

Азиз ва ягонаманс, жонажон Ўзбекистоним!

O'zingni anglal!

HURRIYAT

1996-yil dekabr dan
chiqa boshlagan

MUSTAQIL GAZETA

№ 34

(1096)

2018,

15-AVGUST

Chorshanba

hurriyat.uz

2 Саҳродаги
мўъжиза

Мухбиримиз
Холида ФАЙЗИЕВАНинг
тиббиёт туризмга бағишланган
мақоласини ўқинг



2 Хеч ким
четда турмайди

Донишмандлар фарзандни ниҳолга қиёслашади. Қайси томонга эгсангиз, ўша ёнига қараб ўсгани каби, фарзандни ҳам гўдаклигидан қандай тарбияласак, шундай вояга етади.

4 ЯНГИ ФАРФОНА
газетаси меҳмонимиз

5 Гулбадан хонимлар
билан гурунг

Бир қарашда беозордек, илғордек, замонавийдек кўринган, аслида, таг-заминида катта бизнес, ҳатто ёвуз мақсадлар яширинган бундай одатларга қарши ҳар бир инсонда иммунитет бўлиши керак.

Шундай тоифа бор. Ҳар доим, ҳамма нарсадан норози. Иссиқ ҳам ёқмайди, совуқ ҳам. Кўнглини топиш қийин. Ана шундай танишим тўнғиллаб қолди. Эмишки, ўғилчасини боғчага жойлаштириш учун туман давлат хизматлари агентлигига мурожаат қилган экан, навбатга ёзиб қўйишибди. Сабаби — бўш ўрин йўқ.



Гўзал МАЛИКОВА
"Hurriyat" мухбири

Давлат хизматлари: ишонч мустақамланмоқда

Энди "соққанг"га ҳам, окангга ҳам ишонма!


"Илғари яхши эди, — дейди у. — "Соққаси"ни берсанг, иш осон битарди. Энди кутишга тўғри келади".

Пул бўлса, чангалда шўрва ақидаси билан яшовчи, оддий маълумотномани ҳам чойчақа эвазига олишга ўрганган бундай одамлар кам эмас. Таниш-билиши ёки пулининг кудратига ишониб, "бир тепса, исталган эшикни оча оладиган" олғирлар сабаб одамлар давлат ташкилотларига ишонмай қўйганди.

Инсон туғилганидан, то умрининг охирига қадар турли хизматларга эҳтиёжда яшайди. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномами, паспорт ёки талабалик билети — барини олиш учун, албатта, давлат идораларига иши тушади. Бирок

айрим идораларда томир отган ҳужжатбозлик, сансоларлик, порахўрлик сабаб ҳамманинг ҳам уларга боришга юраги дош бермайди. Бир ҳужжатни олиш учун ўн эшикка кираиб чиқиш, мулозамат кўрсатиш, масъулларнинг қошқовоғига қараш, зумда ҳал бўладиган масалани ҳафталаб, ойлаб кутишга мажбур эди. Бу орада сарф бўлган маблағу қувватни айтмай. Хўш, бугун-чи? Бугун ҳам одамлар ўшандай асабий, эшикма-эшик, навбатма-навбат юрибдими?

Йўқ, бугун бари шиддат билан ўзгармоқда. Халқдан узилиб қолган идораларга нисбатан аҳолида қайта ишонч уйғонмоқда.



Йигитларнинг сараси

Бобур МУҲАММАДИЕВ
"Hurriyat" мухбири

Болалигимизда акаларимиз ҳарбийга кетар бўлса, яқинларимиз ҳадиғу хавотир, оналаримиз эса кўзларида ёш билан қузатар эди. Чунки эл-юрт қўриб, билиб турарди: ҳарбийга ўз оёғида ўйнаб-қулиб кетган йигитларнинг майибу мажруҳ қайтганлари кўп бўлган. Ўзга юртларда қолиб кетганлари қанча. Хасталиғу дард орттириб, бир умр эзилиб ўтганлари қанча.

Бу совет армиясида зўра-вонлик, "мушт билан тарбиялаш", дух, дед, дембил

каби инсоннинг шаъни ва қадрини пастга урадиган қамоқхона тартибларининг

авж олганидан. Шўкрки, бу каби фожеалар ўтмишда қолди.

Аммо истиқлолнинг илк йилларида миллий Қуролли Кучларимиз сафини бутлаш тизимида жиддий муаммолар бўлганлигини қайд этиш жоиз. Собиқ тузумдан ҳарбий тартибларга риоя қилмаслик, бошбошдоқлик, одамларнинг армияга бўлган ишонсизлиги, ёшларнинг ҳарбий хизматдан бўйин товлаш каби муаммолар мерос қолган эди.

Шу боис истиқлолнинг дастлабки кунларидан миллий армиямизни шакллантиришга жиддий киришилди. Қуролли Кучларни аскарлар билан тўлдиришни сифат жиҳатдан яхшилаш учун чақирилувчиларнинг жисмоний ва интеллектуал салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилиб, замонавий армия учун зарур барча шароитлар яратилди. Натижада йигитларимиз ҳақиқий жангвор қўшинлар сафида хизмат қилиш имкониятига эга бўлди.

Фуқароларимизнинг мударатли ҳарбий хизматни ўташ 12 ойгача қисқартирилди. 2009 йилдан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига мударатли ҳарбий хизматга қақирши, йилга бир марта — февраль-март ойларида амалга оширилиши белгиланди. Бу эса ҳарбий қисм ва муассасаларда соғлом муҳит шаклланишига олиб келди.



» «Энг улуг, энг азиз» танлови

Байрамона руҳда ўтмоқда

Алишер БОЙМУРОДОВ
"Hurriyat" мухбири

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан "Азиз ва ягонаманс, жонажон Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилаётган "Энг улуг, энг азиз" анъанавий кўрик-танлови Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият вазирлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбекино" миллий агентлиги, Бадий академия, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган.

Танловнинг жойларда катта кўтаринкилик ва байрамона ўтказилишида давлатимиз раҳбарининг шу йил 28 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Танловнинг ниҳоясига етаётган Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар босқичлари ғолибларини тақдирлаш маросимларида мамлакатимиз истиқлоли-

ни, у билан боғлиқ тарихий сана ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англаш ва қадрлаш, ҳар томонлама муносиб нишонлаш ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин тутуши, эркин ва фаровон ҳаётимизни, буюк келажакимизни фақат мустақиллик асосида куришимиз, фақат истиқлолимиз бугунги ва келгуси авлодлар учун мисли кўрилмаган имкониятлар очиб бергани алоҳида таъкидланмоқда.



» Спорт

Мустақиллик йилларида ўзбек шахмат мактабининг нуфузи янада ошди. Ўтган 27 йил мобайнида мамлакатимиз шахматчилари халқаро майдонларда катта муваффақиятларга эришдилар. Айниқса, 2004 йили Рустам Қосимжоновнинг Ливияда ўтказилган жаҳон чемпионатида қўлга киритган ғалабаси ўзбек шахмат мактабининг довруғини янада юксалтирди. Юртимизда жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилган ёшлар сони тобора ортиб бормоқда.

11 ёшли гўдак 14 кишининг "додини берди"

Жобир ХУҲАКУЛОВ
шарҳловчи

Мамлакатимизда мактаб ўқувчилари орасида шахмат катта мавқега эга. Бундан ўқувчи томонидан халқаро мусобақаларда қўлга киритилаётган натижаларда кўриш мумкин. Ёш ақл гимнастикачиларимиз бугунги кунда халқаро майдонда ҳам жонажон Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётир. Албатта, бундай юксак натижалар ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Бунда мамлакатимизда шахматни ривожлантириш ва уни болалар ўртасида оммалаштириш учун яратилган қулай имконият, шарт-шароитлар муҳим ўрин тутди.

Кўни кеча мамлакатимизда болалар шахмат спортини ривожлантиришда яна бир муҳим қадам қўйилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан "Ўзбекистон Республикасида шахматни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор имзоланди. Ушбу қарорга мувофиқ, 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб юртимиздаги 150 умумий ўрта таълим мактабида тажриба тарихида мажбурий мактаб дастурларида шахмат ўқитиладиган бўлди.

Мактаб ўқувчиларининг шахмат билан ҳафтада 2-3 соат шуғулланиши уларнинг ақлий ривожланиши билан бирга билим даражасини юксалтиришга хизмат қилади. Шахмат ўйнашни билган ўқувчи дарсларни ўзлаштиришда ҳам олдинда бўлади. Чунки бундай болаларда ўқиган мавзусини ёки кўрган нарсасини узоқ эслаб қолиш имконияти ошади.



Касбнинг нуфузи устасига боғлиқ

Хира "кўзгу" ва лоқайд "ойна-созлар"

Газета — ҳаёт кўзгуси. Жамият унга қараб ўзини ўнглайди. Лекин даврий нашрлар адади камлигини кўриб: "Жамият ўзини ойнага солмай қўйдими?" деб ўйлаб қоласан, киши. Балки, "кўзгу" хирадир? Эҳтимол, айб "ойна-созлар"имиздadir?..

Мансур ЖУМАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги мутахассиси

Бир пайтлар севиб ўқилган газета-журналлар энди камсонли муштариоларга етиб бормоқда. Бунга қўл телефони, компьютер, планшет сингари воситалар, интернет, ижтимоий тармоқлар ва сайтлар сабабдир. Бироқ Японияда хануз газеталар миллионлаб нусхада, ҳатто кунига икки маҳал чоп этилмоқда. Балки, газеталар янгилик билангина чекланиб қолмай, чуқур таҳлилий-танқидий материаллар бериш орқали ўз ўқувчиларини топар. Демак, нашрлар ададини оширишнинг йўллари кўп. Фақат мавжуд имкониятлардан самаралироқ фойдаланиш керакка ўхшайди. Газетанинг минг нусха чиқишини яхши натижа деб қабул қилишга қўниқиб қолдик. Аммо айрим туман ва шаҳар ҳокимликларининг нашрлари ҳатто шун-

га ҳам етмайди: "Муборак ҳаёти", "Хонобод садоси", "Оқолтин овози" 700 донадан ошмайди. Хусусий нашрларнинг аҳоли янада ачинарли: "Биз тўлайдиган солиқлар", "Камалак пресс", "Дунё ва давр", "Юрт таровати" 500; "Юрт таянчи", "Меҳр ёғдуси" 400 атропофида. Газеталарга эҳтиёж камайиб кетдими ёки уларнинг ўзи ўқувчиларини бездириб қўйдими? Бизнингча, масаланинг асл сабаби нашрларнинг мазмун-мундарижаси билан боғлиқ.

Зеро, аксар газеталар номи эскича қолиплардан халос бўлмаган. Юртимизда қарийб 30 газетанинг номида "овози" сўзи бор: "Дехқон-обод овози", "Яйпан овози"...

"Садо", "тонг" каби сўзлар билан аталган газеталар номи ҳам 20 дан зиёд: "Боғот садоси", "Китоб тонги"... Сийқа номланишининг яна бир тури "ҳаёти" сўзи билан боғлиқ: "Ғузор ҳаёти", "Гурлан ҳаёти"... Ҳар бир худуднинг ўз "ҳақиқати" ҳам бор: "Қўрғонтепа ҳақиқати", "Каттақўрғон ҳақиқати"...

Аслида газеталар сонининг каммайишига шулар ҳам кифоя қилади. Бироқ сарлавҳаларнинг ўхшашлигига нима дейсиз. Коррупция, гиёҳвандлик, одам савдоси каби мавзулардаги мақолаларнинг мазмунини ҳам, сарлавҳаси ҳам деярли бир хил:



► Туризм

Туялар эрамиздан икки минг йил аввал Арабистонда қўлга ўргатилиб, хонақошга олинишди. Бу жонивор олти-миш кунгача сувсизликка чидайдди, хизмати бебиннат — юк ва одам ташийди. Гўшти, сути, юнги — бебахо. Қадимда чўлу биёбонда савдогарлар каравонини қум бўронларию қишнинг изгирини, ёзининг жазирамасидан омон олиб ўтиб, беталафот манзилига етказган "сахро кемаси"нинг кейинчалик инсон саломатлиги учун шифобахш неъматлар қони экани ҳам маълум бўлди. Бу ҳақда муҳаддас китобларимизда ҳам қайд этилган.



Саҳродаги мўъжиза

Холида ФАЙЗИЕВА
"Hurriyat" мухбири

Саҳрода улар янтоқ, қаррак ва бошқа гўшлар билан озиқланади. Бу чўл ўсимликлари таркибиде минерал ва биологик фаол моддалар кўп. Янтоқдан тайёрланган қайнатма микробларга қарши курашувчи хуосуягта эга. Демак, туянинг сути ҳам шифобахш.

Буни яхши англаган Навоий вилояти Навбахор туманидаги "Лазизбек тулпорлари" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Лазиз Боев дардиға малаҳм излаган беморларни туя сути билан даволашга қарор қилди. Туяман марказдан 40 чакрим узокликда, даштада йўтов тикиб, туячиликни йўлга қўйди. Бугун ўрқачли жониворлар сони 30 бошга етди. Ташаббус гоёси туман ва вилоят раҳбарларига ҳам маъқул бўлғач, ташкилий ишлар бошлаб юборилди. Ички имкониятлар бу ерда бир вақтнинг ўзиде 30 кишиға хизмат кўрсатиш мумкинлигини кўрсатди.

— Талабгорлар, безарар даволанишни истовчилар кўпаяётганини инобатға олиб, яна ўнта ўтов ҳамда икки қаватли бино қуришни бошладик, — дейди фермер. — Бино ишға тушса, 150 кишиға хизмат кўрсата оламиз. Лойиҳамиз маъқулланди. Режадаги ишларни бажариш учун беш миллиард сўм кредит олишни мўлжаллаб турибмиз. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 28 июль куни қабул қилинган "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармониде қайд этилганидек, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг тўқтинликсиз амалға оширилишини таъминлаш учун талай ишлар олиб борилаётганидан мамнунмиз. Аммо "Халқ банки"нинг Навбахор туман бўлимиға кредит учун ҳужжатларини топширгандим. Ана қиҳади, мана қиҳади, деб турибмиз. Чорва учун шароит етарли.

Талаблар даражасидеги маийий хизматни йўлга қўйсак бўлгани. Хозир ўн икки нафар ходим айнаи шу маскан учун хизмат қилаётган бўлса, истиқболда уларнинг сони яна шунчаға кўпаяди. Яхши томони шундаки, масканимиз "Навоий — Нурота" автомобиль йўли бўйида жойлашган. Нурота — қадимий обидаларға бой шаҳар. Биргина "Чашма" зибратгоҳиға ҳар йили минглаб сайёҳ келади. Демак, уларни муассасамизға жалб этиш имкони бор. Аслида, хозир ҳам ёмон эмас. Ортимизнинг турли ҳудудларидан ташқари, Тожикистон ва Қирғизистондан келиб даволанаётганлар сони ҳам ортиб борапти. Германия ва Россияда яшовчи бизнес вакиллари фаолиятимизға қизиқа бошлади.

Навоий вилояти

Уқувли одамнинг гоёсию режаси пишиқ-пухта бўлади. Шунға яраша уни қўлайдиган мард керак. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 июнда эълон қилинган "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурини амалға ошириш тўғрисида"ги қарориде таъкидланганидек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтиришға амалий ёрдам бериш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш масаласи айнаи Л.Боев бошлаган ишға мувофиқ. Фақат, тегишли мутасаддилар ўз вазифаларини оғишмай, вақтида бажарса бас. Аслида, тадбиркорлик Лазиз Боевнинг қониде бор. Раҳматли отаси Жўрақул чўпон ўттиз беш йил сурув ортидан юрган. Уша йиллардан Лазизнинг кўзи пишган. Отларға меҳри бўлакча фермер ишни тулпорлардан бошлаган. Хозир уларнинг сони ўттизтаға етди. Сўнг ушқ молларни кўпайтириб, уларни 1400 бошға, қорамолни йигирматаға етказди. Чорва хўжалиғиде эллика яқин ходим меҳнат қилапти. Катта хўжалик бекаси гепатит касалиға чалинган, Лазиз уни туя сути билан даволаш мумкинлигини эшитди. Мана, энди ана шу тансиқ неъматдан кўпчилик баҳраманд.

— Билишимча, араблар туя сутини ҳар куни истеъмол қилишади, — дейди тадбиркор. — Ушбу неъматдан турли егуликлар тайёрлаш мумкин. Бу сўт таркибиде В1, В2 витаминлари, темир, фосфор, олтингургурт, кальций моддалари мўл. Айниқса, С ва Д витаминлари унда сигир сутиға нисбатан уч баробар кўп бўлади. Сўт шақари — казеин ва лактоза эса ақсинча кам. Демак, туя сутини истеъмол қилган киши, организмиде шакар микдори кўпайиб кетишидан чўчимаса ҳам бўлади. Иммунитети паст киши ҳар куни ярим литр янги соғилган туя сутини оч қоринға ичса, ўзини анча бардам сезади.

— Кўп йиллардан буён қон босимим, ошқозоним безовта қиларди, — дейди самарқандлик Убайдулло Искандаров. — Бу орада укам гепатит, келиним қандли диабет касалиға чалинди. Шу масканнинг доврўгини эшитиб, бу ерға келдик. Ўн кунлик муолажадан сўнг ўзимизни жуда яхши ҳис қиламиз. Келиним соғайиб, яқинда уйиға қайтди. Бу ерда ҳаво ҳарорати юқори бўлса-да, кўрсатилётган хизмат, ходимларнинг муносабатидан мамнунмиз. Одамларимиз ана шундай табиий даволлаш масканларига кўпроқ интилади, чунки сифатли, арзон, энг муҳими, безиён муолажа...

Ташкил этилганиға ҳали йил тўлмаган ушбу маскандан шифо толганлар сони икки юз нафардан ошди. Л.Боевнинг айтишича, салқин тушиши билан талабгорлар сони яна ортади...



Миллий армиямизда ўз бурчини ўтаб қайтган йигитларнинг кейинги фаолияти ҳам давлатимизнинг доимий эътибориде. Олий ўқув юртиларига ўқишға киришда имтиёзлар, ишға жойлашшда амалий ёрдам кўрсатилётгани шулар сирасидандир. Хусусан, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган ёшларға республика олий ўқув юртиларига ўқишға киришда тест синовларида тўллаган балининг 50 фоизи микдориде қўшимча балл берилиши, йигитларимизнинг ҳаёт йўлини топишда муҳим ўрин тутмоқда.

Бу ишларни янада тақомиллаштириш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва салохиятини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу асосда Мудофаа доктринаси қабул қилиниб, Қуролли Кучлар тизимиде унинг ижроси бўйича кўплаб ўзгаришлар қилинмоқда.

Пойтахтимизда жойлашган ҳарбий қисмда бўлганимизда ана шундай ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдик.

Авалло кўзға ташланадигани — саранжом-сарништалик, озодалик. Қўриб қўз қувонади. Ҳарбий қисмға эмас, гўё дам олиш масканига келиб қолгандай бўлсан. Бу ҳарбий интизом ва аҳилликнинг мустаҳкамлиги, ишнинг батартиблиги ва хизматға меҳрини юксак-

лигидан. Ётоқ жойлари, ўқув хоналари, ошхона, машқ хоналари — барчаси замонавийлик касб этган. Айниқса, ақсарларнинг ўзига юксак ишонч билан шахдам қадам ташлаётганини кўриб, ҳавасингиз келади. Йигитларнинг сараси, деб ўйлайсиз.

— Муддатли ҳарбий хизматға келган ақсарлар учун яратилётган имкониятлар тобора кенгаймоқда. Бундан асосий мақсад профессионал, ҳеч қимдан кам бўлмаган миллий армияни шакллантиришдир, — дейди ҳарбий хатманпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи капитан Ақбар Ерматов. — Шу боис ҳарбий хизматчиларнинг кийим кечагидан то овқатланиши, қуролланиши, билимини ошириш каби барча эҳтиёжлар давлатимиз томонидан алоҳида эътиборға олинган. Бу жараёнда Президентимиз ташаббуси билан Ҳарбий-маъмурий секторлар ҳокимликларға бириктирилиб, сектор раҳбарлари билан ҳамкорликда "Стратегик йўл харитаси" ишлаб чиқилган ўз самарасини бераётган. Жумладан, ҳарбий қисмимизда бўлаётган ўзгаришлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорлик натижасидир. Қисқа вақт ичиде ҳарбий қисм бинолари таъмирдан чиқарилди. Барча хоналар замонавий ўқув-қуроллари, техника билан жиҳозланди. Ҳарбий кутубхона, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи кўмағиде эса ёшлар иттифоқи хонаси ташкил этилди. Илғари казармаларға юз, икки юз ақсар жойлаштирилган бўлса, хозирда алоҳида гуруҳларға бўлинган.

Ўқув жараёнлари билан яқинроқ таншишарканмиз, алоқа тайёргарлик хонаси эътиборимизни тортиди. Бу ерда турли замонавий ком-



Шоҳаб Шохидов оқиб суратлар

пьютер, алоқа воситалари, радиостанциялар ўрин олган.

— Маълумки, алоқа мудофаа тизимиде ниҳоятда муҳим аҳамиятға эга, — дейди ўқув машғулот раҳбари сержант Зоир Сайфиев. — Чунки маълумот алмашинуви ҳарбийлар учун ҳаёт-мамот-дек гап. Шу боис ақсарлардан алоқа техникасини пухта ўзлаштириш талаб этилади. Жангларда қурол-аслаҳа ҳар бир йигит учун жону танидек гап. Айниқса, бугунги техника асрида қўшинларни қурол-яроғ ва жанговар техникани ҳарбий қисм бинолари билан таъминлаш, улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ўта муҳим. Ҳарбий қисмининг ўқ отиш хонаси ҳам замонавий техника билан жиҳозланган.

— Машғулот хонамизда замонавий ускуналар ёрдамида ҳақиқий дала муҳити яратилган, ақсарларда қуролдан фойдаланиш ва ўқ отиш кўникмалари шакллантирилади, — дейди машғулот раҳбари лейтинат Нейматжон Мусоев. — Уларнинг маҳорати ошган, дала-

ўқув машғулотларига йўл олади. У ерда ҳақиқий қурол ва техникада малакасини оширади. Бундай машқлар йигитларимизни ҳам жисмон ҳам руҳан чиниктиради. Бир йил давомида мудатли ҳарбий хизматчилар ҳар қандай нишонни ўра олади-ган ҳақиқий мерган бўлиб етишяпти.

Ошхонаға назар солдик. Тўғриси, замонавий кафе, ресторондан фарқи кам. Кенг, шинам, сўнги русумдаги жиҳозлар, совутгичлар ишлаб турибди. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларида ҳарбий хизматчиларнинг овқатланиш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Мудофаа вазирлиги бўлинмалари шахсий таркибининг овқатланиши аутсорсинг асосида, яъни умумий овқатланиш корхоналарини жалб этган ҳолда ташкил этилган.

— Ҳарбий қисмлар орасиде биринчилардан бўлиб иш бошладик, — дейди "Азим

транс сервис" масъулият чекланган жамияти раҳбари Сулаймон Қулматов. — Бугунги ҳарбий хизматчиларни сифатли ва хилма-хил овқатлантириш Мудофаа вазирлиги томонидан алоҳида эътиборға олинган. Шу боис белгиланган меъёр ва тавсиялар асосида ақсарларни уч маҳал сифатли ва витаминға бой таомлар билан овқатлантирялмиш. Мева, шарбат турли пишириқлар ҳам таомномамиздан ўрин олган. Уларни тайёрлашда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини фермер хўжалиқлари ва қўшхоналардан тўғридан-тўғри келтирилиб, ветеринария текширувидан ўтказилади. Шу билан бирға деярли ҳар ҳафта таомномаға янги овқатларни киритялмиш. Биргина нурушанинғ ўзиде ўнға яқин егулик беришмоқда.

Булар хусусиде мудатли ҳарбий хизматни ўтаётган ақсарларнинг ўзлари нима дейди?

— Тўғриси, армияда бундай шароит бўлади, деб ўйламагандим, — дейди хатирчилик Шаҳриёр Сайфудинов. — Беш ойдики, ҳарбий хизматда эмас, балки олий ҳарбий ўқув юртида ўқийтгандекман. Барчаси тартиб-қоида асосида. Бир дақиқа ҳам зоя кетмайди. Жисмоний тарбия, турли йўналишдаги янги дарслару машғулотларда малакали мураббийлар орқали билимимизни оширялмиш. Олий ўқув юртидан келган профессор-ўқитувчиларнинг фанлар бўйича ўтаётган дарслари ҳам жуда қизиқарли. Ҳарбий тайёргарлик, алоқа, ўқ отиш машғулотлари яна ҳам қизиқ. Чунки янги техника, қуролларни ўзлаштирялмиш. Хизматда ўзимни ишончим ортиб, келгусида офицер бўлишни дилимға тугиб қўйганман.

Ҳеч ким четда турмайди

► Депутат минбари

Бола жиноятчи бўлиб тугилмайди. Оиладаги носоглом муҳит, тарбиядаги нўноқлик, эътиборсизлик уни шу куйға солиши мумкин. Донишмандлар фарзандни ниҳолға қиёслашади. Қайси томонға эгсангиз, ўша ёниға қараб ўсгани каби, фарзандни ҳам гўдаклигидан қандай тарбияласан, шундай воёға етади. Бунда, албатта, оила, таълим муассасаси ва маҳалладаги муҳит катта аҳамиятға эга. Оиласида яхши тарбия кўрган, кўп китоб ўқиган ва халқнинг маънавий илдиэлари ҳақида етарли тушунчаға эга бўлган бола жиноят кўчасига қирмайди.

Баҳром ОБИДЖОНОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Шу йилнинг 27 июль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислиғиде жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида жамиятимизда учраётган айнан ана шу муаммо ҳақида сўз борди.

Йиғилишда шу йилнинг 6 ой давомида юртимизда қайд этилган жами жиноятларнинг 30 фоизиде ёшларнинг қўли борлиғи ақиниш билан таъкидланди. Давлатимиз раҳбари бунинг сабабини ёшлар ягона гоё ва мақсад бўлиб, давлатимизнинг таълим-тарбия ва бандлигини таъминлашда кўплаб муаммолар борлиғи билан изоҳлади.

Бугун юртимизда ёшлар таълим-тарбиясиға жуда катта эътибор қаратилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш, ташаббусларини, гоёларини рўёбға чиқариш, умуман, ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури қабул қилинган. Ушбу дастур асосида ёшларнинг янги гоё ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлашға қўмақлаш, бандлигини таъминлаш, уларни жиноят ва ҳуқуқбузарликлар, турли салбий иллатлардан

олди вақтида олинмас экан, улғайганида улар катта «иш»ларға ҳам қўл уриши турган гап.

Психологлар ота-онанин фарзанд таълим-тарбиясиға эътиборсиз бўлиши бола келажаги учун жиддий ҳавф туғдирувчи омил эканини таъкидлайди. Ота-оналарнинг болалар тарбиясиға масъулиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида ҳам алоҳида қайд этилган. Унга қўра, ота-оналар ўз фарзандларини воёға етгунға қадар боқиш ва тарбиялашға мажбурдирлар. Бироқ, бугунги кунда воёға етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг ортиб бораётгани ота-оналарнинг фарзанд тарбиясиға эътиборсизлигини кўрсатмоқда. Ёшлар ўртасида итотсизлик, ота-онаға қулоқ солмаслик иллати шаклланиб бормоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ёшлар билан ишлаш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш мақсадида янги тузилмалар — Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия, Сенатда Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ташкил қилинди. Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, ҳокимликлар ҳамда ички ишлар бўлимларида ёшлар масалалари бўйича ўринбосар лавозимининг жорий этилиши бежиз эмас.

Президентимиз йиғилишда мазкур тузилмалар фаолияти ҳақида алоҳида тўхталиб, жойлардаги масъуллар ёшлар томонидан содир этилаётган ҳар бир жиноят бўйича муҳокамаларни ўзлари ташкиллаштириши ва сабабларини аниқлаши, оммавий ахборот воситаларида бевоёсита чиқиб, маълумот бериши даркор, деган талабни қўйди. Шундагина ҳар бир жиноятнинг илдиэигача етиб бориш, сабабларини аниқлаб, келгусида унинг олдини олишда аниқ натижаға эришиш мумкинлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари айтган фикрлардан ҳулоса шуки, ёшлар тарбияси — умуммиллат вазифаси. Бу вазифалардан ҳеч ким четда турмаслиғи зарур.

11 ёшли гўдак 14 кишининг "додини берди"



Билим даражаси кенг вундеркинглар ҳам асосан шахмат ўйинини яхши ўзлаштирган болалар ўртасида кўп учрайди.

Нуфузли газеталаримиздан бири томонидан ўтказилган шахмат мусобақасида мамлакатимизнинг энг ёш шахматчиларидан бири — 11 ёшли Жаҳоҳир Синдор билан биратўла 14 киши шахмат ўйнади. Ана шу мусобақаде мурғак боланин ақлий имкониётига барчамиз тан бердик. У 14 киши билан бир вақтнинг ўзиде дона сурди. Бирор рақибининг қаршисиде бир сония ҳам ўйлаб қолгани йўқ. Яқинда барчани мот қилди. Шу ўринда айтиш керакки, 11 ёшли бола рақибларининг энг ёши ўттиз беш атрофида эди. Болаларнинг бундай имкониётға эришиши учун албатта, ўқувчилик даврдан эътибор бўлиши керак. Шахматнинг мактаб дастуриға киритилиши Жаҳоҳир сингари фарзандларимиз сони ортишиға хизмат қилиши шубҳасиз.

Юртимизда Жаҳоҳирға ўхшаган болалар ва ёшлар ўртасида жаҳон ва Осиё чемпионлири жуда кўплаб етишиб чиқмоқда. Жаҳоҳир Воҳидов, ҳалқор тоифадар спорт усталари — Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Якубовев, Шамсидин Воҳидов ва Исмоилбек Синдаров шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбарининг қарориде шахмат мактаблари ва уларда фаолият олиб бораётган мураббийларнинг моддий имкониятларини ошириш ҳамда муноёси рағбатлантиришға алоҳида эътибор қаратилган. Яъни ўқувчилик даврдан бошлаб шахмат билан шуғулланиб, кейинчалик шу йўналишда профессионал фаолиятини давом эттирадиганларға давлат қўмак беради.

Таъкидлаш жоизки, республика-мизда шахматни ривожлантириш сари ташланган мазкур салмоқли қадам, ёш шахматчиларни тайёрлаш, шахмат бўйича миллий терма жамонинг амалдаги аъзолари билан доимий алоқани таъминлаш, шунингдек, шахматни инсоннинг ақл ва тафаккур жараёнини ривожлантирувчи спорт турига айлан-тириш Ватанимизнинг нуфузини янада оширишға хизмат қилади.



Чунки жамиятда адолатни тиклашни мақсад қилган катта бир тузилма — Давлат хизматлари агентлиги ва унинг жойлардаги марказлари ишга тушди.

Келинг, бошидан бошлайлик. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Халқ қабулхонасига бир йилда бир ярим миллион мурожаат тушганини ва халқ қабулхоналари асосида тезкор давлат хизматлари агентлиги ташкил этиш зарурлигини айтиб ўтди. Қисқа муддат ичида ана шундай агентлик ташкил этилди.

Жойларда иш бошлаган халқ манфаатларининг янгича ифодачиси бўлиш давлат хизматлари агентликлари сабаб бугун сансалорлик, ўзибўларчилик, кўзбўямачилик, коррупция каби иллатларга чек қўйилмоқда.

— Илгарилари “ягона дарча” марказлари фаолият юритарди. Тан олиш керак, кўпчилик уларнинг фаолияти ҳақида тушуночқа эга эмасди ва дарчалар кўпроқ тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга хизмат қиларди. Аммо жорий йилнинг 1 январидан бошлаб уларнинг ўрнига ташкил этилган давлат хизматлари агентлиги бугунги кунда барча давлат хизматларини ўзида жамлашга ва аҳолининг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилмоқда, — дейди Ўзбекистон Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бошқармаси бошлиги Маҳмуд Абдижоліев. — Утган йили марказлар орқали кўрсатилган хизмат турлари ўттиз иккитани ташкил этган бўлса, ҳозирда уларнинг сони юзтага етди. Бу ўтган давр мобайнида хизмат турлари уч баровар оширилди, дегани. 1 июндан ўта долзарб 31 хизмат рўйхати белгиланди ва айна кунларда жойларда синов тариқасида қўлланилмоқда.

Янги агентлик тузилмаси барча давлат идоралари ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Ягона дарча» марказлари томонидан кўрсатилган хизматларни ўзида бирлаштиради.

Айна кунларда мамлакатимизда Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва 201та Давлат хизматлари маркази фаолият юритмоқда. Кўрсатилган хизматлар турининг ортаёғгани боис мазкур марказларга одамлар мурожаат кескин ортаётди. Жумладан, ўтган йили марказларга кунлик аҳоли мурожаати ўртача 20-40 кишини ташкил этган бўлса, жорий йилда мазкур кўрсаткич 350-600 нафарга етган. Рақамлар исботини аҳолига кўрсатилган хизматлар даражасидан билса ҳам бўлади. 2017 йили марказлар орқали жами 120 минг хизмат кўрсатилган бўлса, жорий йилнинг апрель-июнь ойларининг ўзида 1 млн 35 минг хизмат тақдим этилган. Бугунга қадар энг кўп кўрсатилган хизматлар рўйхатининг бошида электрон рақамли имзо бериш, болаларни давлат МТМлари қабул қилиш, фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш каби давлат хизматлари турибди.

— Аҳоли кун сайин мазкур марказлар орқали исталган муаммосини осон ҳал этишга ишонаётган бир маҳалда, янги, замонавий, инновацион, келувчилар учун барча қулайликларга эга Давлат хизматлари маркази биноларини тезкор қуриш мўҳим аҳамият касб этмоқда, — дей-

ди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги директори Халилullo Тўраҳўжаев. — Бугун бу борада ҳам қизгин иш олиб борилмоқда. Аввалига Наманган шаҳри, кейинчалик Кўконда барпо этилган бўлса. Энди Андижон, Самарқанд, Нукус, Мирзачўл, Термиз ва Тошкент шаҳарларида ҳам Давлат хизматлари марказларининг инновацион биноларини давлат-хусусий шериклик асосида барпо этишга киришилди. Жорий йилнинг охирига қадар эллика яқин замона-

тармоқларига улаш, қурилиш ва кадастр идоралари ҳиссасига тўғри келган қонунбузарликлар ҳам оз эмас. Чиндан, янгича имкониятлар айрим давлат органларига ёқмаслиги аниқ. Боиси, ҳужжатбозликдан чарчаган, югур-югурдан силласи қуриган халқ ўз “хоҳиши” билан курсидагиларнинг “оғзини мойлаб”, кўнглини овлашга ўрганиб қолган эди. “Хўжайнлар”нинг тегиримони ҳам тинимсиз айланарди. Энди-чи? Энди адолат кучга кириб, шаффоф, қулай ва тезкор хизмат кўрсатиш тизими

Давлат хизматлари: ишонч мустақамланмоқда

Энди “соққанг”га ҳам, окангга ҳам ишонма!



вий ва инновацион бино ишга туширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузуридаги Давлат хизматлари марказлари (ДХМ) биноларининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилишини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига кўра, биноларни барпо этишда инвесторларга бир қатор қулайлик ва имтиёзлар тақдим этилмоқда. Хусусан, инвесторларга маъқулланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ биноларни ва тегишли инфратузилмани қуриш учун, зарур ер участкаларининг тўғридан-тўғри шартномалар асосида бепул ажратилиши; тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари учун биноларга туташ қўшимча объектларни қуриш учун ер участкаларининг ажратилиши; 5 йил муддатга ер солиғи ва мулк солиғи, юридик шахсларнинг фойда солиғи, ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилиши ҳамда тижорат банкларига биноларни қуриш учун 5 йиллик имтиёзли давр билан бирга 10 йил муддатга кредитлар бериш кўзда тутилган.

Афсуски, яратилаётган шунча қулайликларга қарамай, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган идоралар ҳам йўқ эмас. Агентлик ходимларининг сўзларига қараганда, агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида ўн мингдан ортиқ қонун бузилишлари аниқланган. Уларнинг қарийб олти мингга яқини ҳокимлик органлари томонидан содир этилган. Мухандислик-коммуникация

йўлга қўйилган пайтда муаммосини осонгина ҳал этиш имконлигини англаган халқ “акахон”у “опахон”ларни йўқламай қўймоқда. “Йўқловлар”нинг камаяётганидан ташвишга тушаётганлар эса табиийки, мазкур тизим фаолиятига зимдан қаршилик кўрсатишга уринмоқда.

Яқинда ижтимоий тармоқларда ДХА фаолиятдан норози бир пост қўйилди. Ҳолат юзасидан суриштирув ишларини олиб борган давлат хизмати ходимлари таъналар асосида эканини аниқлади. Уни ФХДЭ мудираси ёзган экан.

— Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган, иш вазифасидан озод этилган шахслар ҳам бўлаётди, — дейди агентлик матбуот хизмати бўлим бошлиғи Севара Зокирова. — Ўзбекистон Республикасининг жорий йил 23 июлда қабул қилинган “Баъзи давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунига биноан (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215(5) ва 245(5) моддалари), вазифасига совуққон муносабатда — арз қилувчидан мурожаатни қабул қилишни рад этган ёки давлат хизматлари кўрсатиш чоғида мурожаатларни қўриб чиқиш тартиби ва муддатларини бузган мансабдор шахслар ҳамда



давлат хизматчилари жавобгарликка тортилади. Бошқача айтганда, мансабдор шахслар ва хизматчилар энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жаримага тортилиши учун сабаб бўлади. Кунни кеча Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги масъул ходими давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузганлиги учун илк мартаба Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан маъмурий жаримага тортилди. У энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари, яъни 921 500 сўм миқдорда жарима тўлади.

Шунингдек, жорий йил синов тариқасида абитуриентлар Халқ қабулхоналари ҳузуридаги Давлат хизматлари марказлари орқали Тошкент Юридик университетига ҳужжатларини топширди. Бунинг учун абитуриентлардан паспорт, ўрта ёки ўрта-максус таълимни тасдиқловчи ҳужжат ва тиббий маълумотнома талаб этилди. Ҳужжатнинг асл нусхаси эгаларига қайтарилди. Айтиш керакки, мазкур хизмат вақт ва йўл харажатлари, турар жой билан боғлиқ ташвишларга барҳам берди ва ўзини оқлади. Шу боис келгуси йилдан бошлаб барча олий ўқув юртлари абитуриентларнинг ҳужжатларини топшириши шаҳар ва туманлардаги Давлат хизматлари марказлари томонидан амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.



Ушбу материал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан давлат субсидияси ажратилган “Харакатлар стратегияси — юксалиш стратегияси” номли лойиҳа асосида чоп этилмоқда. (С/5)

Биз бу хатар ҳақида ёзгандик

► Мавзуга қайтиб

Шу йил 1 август куни газетамизнинг 32-сонида журналист З. Зоҳидованинг “Хатар” рукнида чоп этилган “Сархонанинг тутуни” чилимқашлар даврасидан репортажи”га кўзингиз тушган бўлса керак.

Унда шаҳарларимизда тунги клубларда тобора авж олиб, кенг илдиз отаётган тонггача давом этувчи ичкиликбозлик, чилимқашлик, маишатбозлик ва зўравонлик каби иллатлар назоратдан чиқиб бораётгани ва бу хатарнинг олди олинмаса, катта фожеаларни келтириб чиқариши мумкинлигидан огоҳ этгандик.

Адиба БОЙИТОВА

Афсуски, хавотиримиз тўғри бўлиб чиқди. Репортажда қаламга олинган ана шундай тунги маишат масканларидан бири — пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги “Аурум 898” тунги клубида 9 августга ўтар кечаси юз берган қонли воқеа ҳозир



кўпчилигининг тилида. Эркин кураш бўйича профессионал спортчи Жамшид Кенжаев ва клуб кўриқчилари ўртасида келиб чиққан пичоқбозлик оқибатида спортчи ҳаётдан кўз юмди. Кўриқчилардан айримлари яраланди. Бир қанчаси хибсага олинди. Бош прокуратура Жиноят кодексининг тегишли моддаларига биноан жиноят иши очди.

Биз бу ўринда ким ҳақ, ким ноҳақ — қозилиқ қилмоқчи эмасмиз. Изласангиз, бу дунёда ҳамма нарсаси баҳонага сабаб, ваз-карсон топилади.

Ачинарлиси — кўза синди. Кунни келди ва синди. У синмаслиги мумкин эди. Тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ўз вақтида масалага эътибор қаратганида, фожеанинг олдини олиш мумкин эди.

Аслида, ёш йигитнинг ўлимига сабаб бўлган пичоқбозлик фожеанинг бир бўлаги. Бундай маишатхоналардан ичиб, чекиб, йўл транспорт ҳодисалари оқибатида ҳалок бўлаётганлар-чи? Ичиш ва чекишнинг дастидан борбидан ажралиб қолаётганлар-чи?

Улар бу ҳисобда йўқ. Бўлиши ҳам гумон. Газетамизда чоп этилган “Сархонанинг тутуни” репортажиде таъкидланган эдики, одатда, бундай жойларга кўпроқ эркаклар келишади. Бирок тонг отаргача мижозларнинг кўнглини овлайдиган бундай масканлар эндиликда аёлларнинг ҳам кўнглихушлик жойига айланиб бораётгани ва улар чилим домига тушиб, бутун ҳаётини қўлдан бой бераётгани, аёллик шаънига доғ тушираётгани ўта ачинарли. Айна муассасаларнинг мижозлари асосан ёшлар эканини ҳам эътибордан қочириб бўлмайди. Улар 35 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. “Наҳотки, уларни сўрайдиган “эга”си бўлмаса? — деб куйиниб ёзган эди журналист. — Ёки ҳаммаси шунчалик бекорчи? Бекорчи одамда бунча пул қаердан бўлади? Агар кармон бақувват бўлмаса, бундай тунги клубларга

яқинлашиб бўлмаслиги кундек равшан”.

Энди ижтимоий тармоқлардаги шаввозлардан қилни қирқ ёрган мутахассисларгача қонли фожеанинг туб илдизини қидириш билан овора. Биров уни тунги клублардаги барзанги кўриқчиларнинг ваҳшийлашиб кетганида кўрса, бошқаси қонунчилигимиздаги ожиз жиҳатларга бориб тақайди. Кимдир муаммонинг сабабини солиқ тўлашдан қочишда кўради. Аслини олганда ҳамма ҳақ. Кўп.uz сайтининг қайд этишича, тунги клубларнинг ҳаммаси ягона солиқ тўловчи. 2018 йилнинг биринчи ярмида бюджетга 1,3 млрд. сўм ёки ойига ўртача 226 млн. сўмдан солиқ тўлаган.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган хронометраж ва таҳлил натижалари кечдан тонггача ишлаётган бундай субъектларда тушум-бир бўлган. Бундай маишатхоналардан ичиб, чекиб, йўл транспорт ҳодисалари оқибатида ҳалок бўлаётганлар-чи? Ичиш ва чекишнинг дастидан борбидан ажралиб қолаётганлар-чи?

Улар бу ҳисобда йўқ. Бўлиши ҳам гумон. Газетамизда чоп этилган “Сархонанинг тутуни” репортажиде таъкидланган эдики, одатда, бундай жойларга кўпроқ эркаклар келишади. Бирок тонг отаргача мижозларнинг кўнглини овлайдиган бундай масканлар эндиликда аёлларнинг ҳам кўнглихушлик жойига айланиб бораётгани ва улар чилим домига тушиб, бутун ҳаётини қўлдан бой бераётгани, аёллик шаънига доғ тушираётгани ўта ачинарли. Айна муассасаларнинг мижозлари асосан ёшлар эканини ҳам эътибордан қочириб бўлмайди. Улар 35 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. “Наҳотки, уларни сўрайдиган “эга”си бўлмаса? — деб куйиниб ёзган эди журналист. — Ёки ҳаммаси шунчалик бекорчи? Бекорчи одамда бунча пул қаердан бўлади? Агар кармон бақувват бўлмаса, бундай тунги клубларга

Шунингдек, ўрганишлар жараёнида ҳар бир тунги масканда мижоз томонидан бир дона столи олдиндан банд қилиш учун норасмий мажбурий буюртма (обязаловка) мавжудлиги аниқланган. Ушбу йўналиш бўйича олиб борилган ҳисоб-китобларга кўра, бир киши битта столи банд қилиши учун ўртача 137,4 минг сўм тўлаши лозим. Ўриндиқлар сони ўртача элликтадан ҳисобланганда, бир кунда 254,2 млн. сўм, олти ойда эса 45,7 млрд. сўмни ташкил этади. Бу яна 4,5 млрд. сўм тўланмаган солиқ дегани.

“Пул қутиртирган” дейди кимдир қотилликка олиб келган пичоқбозликни изоҳлар экан. Бу фикрнинг ҳам инкор этиш қийин.

Байрамона руҳда ўтмоқда



Жумладан, кўрик-танловнинг Андижон вилояти босқичида ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндалари, фото ва дизайн усталари томонидан «Азиз ва ягона» жонажон Ўзбекистоним!» деган бош гоюни ўзида мужассам этган ва мамлакатимизнинг ривожлантиришининг бешта устувор йўналишини буйича «Харакатлар стратегияси, шунингдек, “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоюлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишларни

ёритишга йўналтирилган асарлар тақдим этилди.

Адабиёт йўналишида таъкид шoir ФариД Усмон — биринчи, ёзувчи Омина Тожибоева — иккинчи, шоира Мунаввара Тиллабоева учинчи ўринга сазовор бўлди.

Журналистика йўналишида «Андижоннома» газетасининг бўлим мудирини Акбаржон Назаров — биринчи, «Андижон тонги» газетаси таҳририяти — иккинчи, «Водий гавҳари» журнали учинчи ўринга лойиқ топилди.

Телевидение йўналишида «Андижон ахбороти» ижодий жамоаси — биринчи, «Ёшлар» телерадиоканали тасвиричи Ўткирбек

Ўзганов — иккинчи, АТВ махсус муҳбири Элмира Раҳмонова — учинчи, фото ва дизайн йўналишида Темирмалик Абдуллаев — биринчи, Азизбек Жабборов — иккинчи, Зухриддин Умрзоқов учинчи ўринлар соҳиб бўлди. Бир қатор ижодкорлар рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди.

Маросимда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Лазизбек Тангриев, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов ҳамда Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари Серобиддин Исмоилов ижодкорларни энг улуг, энг

азиз байрамимиз билан муборакбод этиб, танлов ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғаларни топширдилар.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан «Hurriyat» муҳбирига маълум қилишларича, бундай тантанали тадбирлар айна кунгача Фарғона, Қашқадарё, Навоий, Бухоро, Самарқанд, Наманган, Хоразм ва Жиззах вилоятларида ҳам бўлиб ўтган.



«Энг улуг, энг азиз» аънавий кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросимлари давом этмоқда.



Танишинг:

Газетанинг бош муҳаррири — "Шухрат" медали соҳиби, журналист Азизжон ЭРМАТОВ (суратда: иккинчи қаторда чапдан биринчи).

Газетанинг туғилган санаси: 1932 йил 15 февраль.

Газетада Собир Абдулла, Абдулла Қаҳқор, Сотти Қусайн, Фафур Фулом каби атоқли адиблар қалам тевратган.

Манзили: Фарғона вилояти, Учқўприк тумани, Наврўз кўчаси, 42-уй.

Интернет ва ижтимоий тармоқларда: Газетанинг электрон шаклини ushkorik.uz сайтида ўқиш мумкин. Шунингдек, телеграм мессенжери ва facebook ижтимоий тармоғида саҳифалари мавжуд.

Шiori: Ватан мустақиллиги — буюк неъмат!

Вазифаси: Холис ва ҳаққоний ахборот тарқатиш.

Муваффақияти: Газета бош муҳаррири Азизжон Эрматов 2016 йилда "Олтин қалам" XI миллий мукофоти учун халқаро танловда интернет-журналистика йўналишида 1-ўринни қўлга киритган.

Чой танлашда ҳикмат кўп

Фарғона вилоятида шифобахш гиёҳлардан дори воситалари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобидан фармацевтика маҳсулотларини маҳаллийлаштириш, аҳолига сифатли ва арзон дори воситалари етказиб беришга доир бир қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Учқўприк туманидаги шифобахш ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган "Меҳригиё" кичик корхонаси рақобатбардош маҳсулотлари билан истеъмол бозорига мустақам ўрин эгалламоқда.

Корхонада айни кунда етмишдан зиёд ходим меҳнат қилаётди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан асал ва доривор гиёҳлар асосида 113 турдаги шифобахш чой тайёрланмоқда. Мойчечак, топинамбур, қора андиз, сано, тоғсумбули, далачой каби табиат неъматлари кимёвий ишлов берилмасдан, табиий соф ҳолда маҳсулотга айлантирилади.

— Юртимизда шифобахш малҳамлар тайёрлаш усули тобора такомиллашмоқда, — дейди "Меҳригиё" корхонаси тасарруфидоги ботаника боғи раҳбари, биология фанлари номзои Абдурахмон Собилов. — Айни пайтда ҳар бир ўсимликнинг фойдали хусусиятлари билан бирга ножўз таъсирлари ҳам борлиги маълум. Масалан, мойчечак ҳақиқатдан ҳам шифобахш ўсимлик. Бироқ, у узок истеъмол қилинганда организмдан калей моддасини ҳам чиқариб юборади. Ана шу моддани сақлаб қолиш ва ўсимликларнинг бир-бирини қувватлантирувчи таъсирини ошириш мақсадида аралаш чойларни қадоқлашни йўлга қўйганмиз.

Папайи дамламасининг шифобахш хусусиятларини бутун дунё тиббиёт олимлари эътироф этишган. Шу боис, "Меҳригиё" корхонаси жамоаси папая дарахтидан юқори технология асосида шифобахш чой тайёрлаб, мутахассислар эътиборига ҳавола этди. Тоza ипақдан тайёрланган халтачаларга қадоқланган бу чой жиғи ва ошқозон фаолиятини яхшилайдди, кўзга қувват беради.

Корхонанинг ботаника боғида гуава, хаома каби ўсимликлар устириш йўлга қўйилиб, уларнинг меvasи, баргларидан шифобахш чойлар, ёғлар, асал, бальемлар ва зирavorлар тайёрланмоқда.

Экологик тоза дори-дармонлар турини кўпайтириш беради Тошкент фармацевтика институти, Қўқон педагогика институти, Фарғона давлат университети олимлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айни пайтда мутахассислар папайя, зайтун, апельсин, киви, грейфрут ўсимликларини маҳаллийлаштириш ва улардан фармацевтика маҳсулотини ишлаб чиқариш устида изланиш олиб бормоқда.

Хазина топган одам

Наргиза АБДУМАЛИК

Томорқа — хазина. Кишлоқ аҳолисининг асосий даромад манбаига айланиб бораётган томорқадан унумли фойдаланаётганлар ўз оиласи фаровонлигини таъминлабгина қолмай, бозорларимиз тўқинлиги, эл мазмунчилиги ҳам салмоқли ҳисса қўшаётди.

Бу борада Фарғона вилоятида ўзига хос мактаб яратилган. Қуванинг анори, Олтиариқнинг узуми, Риштоннинг ўриги, Бувайдининг анжирини татиб кўрган борки, она заминимиз сароватига, фарғоналик миришкор боғбонларнинг меҳнати ва маҳоратига тасаннолар айтади.

Учқўприк тумани аҳолиси ҳам томорқасида етиштираётган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан дўржигина даромад олаётди. Айниқса, лимон етиштиришда уларнинг олдига тушадиган кам. Учқўприк кишлоқларида хонадон соҳибларининг деярли барчаси ўз томорқасида

иссиқхона барпо қилган. Лимон етиштиришнинг ҳадисини олган омилкорлар айни кунларда эл дастурхонига ушбу шифобахш неъматни тортиқ этмоқда.

— Етти сотихли томорқада иккита иссиқхона ташкил қилдим, — дейди Тегирмон кишлоғида яшовчи Шарифжон Машрабов. — 80 туп лимон ўтган мавсумда 3 тонна ҳосил берди. Бу йилги ҳосил чўғи яна-да баланд.

Мутахассисларнинг фикрича, лимондаги С витамини инсон организмда моддалар алмашувини яхшилаб, қандли диабет касаллигига чалинишнинг олдини олади. Лимон шарбати эса саратон хасталигини бартараф этиш хусусиятига эга. Яъни, овқатланшдан олдин янги иссиқхона лимон шарбатидан икки чой қошиқ ичиш инсон организмни саратон хужайрасини ўсимтага айлантирадиган захарли моддалардан тозалар экан.

— Лимон асосан икки хил усулда — қаламчалар орқали ва пайвандлаш йўли билан кўпайтири-

лади, — дейди Ш.Машрабов. — Уни экишдан олдин ерни обдон тайёрлаш шарт. Парвариш яхши бўлса, лимон 2-3 йилда ҳосилга киради. 10-15 ёшли дарахтдан 50-80 килограммгача ҳосил олиш мумкин.

Янги иссиқхона ҳисоб-китобига кўра, ҳар туп лимон кўчати ўртача 50 килограммдан мева берганда ҳам ҳосил 5 тоннадан ошади. Даромад эса 30 миллион сўмдан кам бўлмайди.

Туманда томорқадан яхши даромад олаётган бундай оилалар кўп. Худудда барпо этилган 10 мингга яқин иссиқхонада ҳар йили 15 минг тоннадан ортиқ лимон етиштирилмоқда. Томорқадан олинган даромад оилалар фаровонлиги, рўзғор тўқинлигига хизмат қилаётди. Бошқача айтганда, бу ерда ишбилармонлиги, омилкорлиги билан кичик томорқанинг катта имкониятларидан самарали фойдаланиб келаётган оилавий тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётди.



Китоб ўқимайдиган муаллим ҳам бўладими?

Бугун фарзандларимиз китоб ўқишдан кўра телевизор кўришни, зарур маълумотни интернетдан излашни афзал билади. Албатта, виртуал кутубхоналар — ижтимоий тараққиёт ютуғи. Топиш осон: тугмачани боссангиз кинофа, исталган асар ёки керакли мавзу экранингизда пайдо бўлади. Лекин кўз билан кўрилмаган, онг билан ҳис қилинмаган, қалбга етиб бормаган нозик туйғулар софлигини сақлаб қоладими?

Умида АБДУҚОДИРОВА ўқитувчи

Кўп мутулаа қилган инсон билан китоб ўқимасининг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бадиий адабиёт билан ошно қалбга ёмонлик, шафқатсизлик ин қуриши қийин. У борлиқни теран ҳис этишни, инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг нозик кирраларини қалбдан туюшни ўргатади. Адабиётда шундай нозик сезимлар борки, уларни фақат тасвирлаш,

моқчиман. Бунинг учун ижодкорнинг деярли барча асарларини ўқиб чиқишим керак. Агар аксинча бўлса, ёзувчи ижодининг ўзига хос хусусиятларини ўқувчиларимга қандай тушунтира оламиз?

"Вақт" шеърининг мазмунини билмасам, лирик қаҳрамон туйғуларини ҳис эта олмасам, яхши дарс ўтишим мумкинми? Фафур Фулом шеърларини таҳлил қилиш учун унинг ижоди билан батафсил таниш бўлишим керак эмасми? Ёш авлоднинг кўнглида китобга қизиқиш уйғотиш оиладаги муҳит баробарида адабиёт ўқитувчиларининг савияси, жонқуярлиги ҳам боғлиқ.

Афсуски, орамизда ҳатто "ўтган кунлар"ни тўлиқ ўқимай, фақат берилган матн билан

кифояланиб дарс ўтаётган ўқитувчилар ҳам бор. Бу — уят! Мен орзу қиламан: ўқитувчи уч соатга берилган асар матнини дарсда ўқитмас, ўқувчининг ўзи мазкур асар билан аввалдан танишиб чиқса. Шу уч соат давомида эса улар матни таҳлил қилиш, қиёслаш, фикрлаш, керак бўлса, бахslashашини ўрганиш. Асарнинг бадиий хусусиятларини англаб етсин, тили, услуби ҳақида хулосалар чиқарсин.

Болага китоб ўқишни ўргатиш билан ўқитувчининг вазифаси тугамайди. У ўқувчига танлаб мутулаа қилиш сабогини ҳам сингдира олиши керак. Зеро, адабиёт ўқитувчининг асосий вазифаси келажакда яхши китобхонлар тайёрлашдир.

"Сепини кўриб, қизини олдим"

Камола ПОЛВОНОВА

Халқимизнинг ажойиб одатлари бор. Керак бўлса, ҳар йили тўй қилиб, уй солади. Қувонч билан борини дастурхонга тўкиб, меҳмонлар кўнглини олади. Яхши ниятлар билан элга ош беради. Аммо кейинги пайтларда айрим инсонлар "мен сендан камми" қабилида иш тугиб, шундай ажабтовур нарсаларни ўйлаб топишпаптики, натижада тўй маросимлари хурсандчилик ўрнига чинакам ташвишга айланиб қолмоқда. "Пул кетса, кетсин, обрў кетмасин" дея бир кунда борини совориб юборадиган хотамтойлар ҳеч ким қилмаган ва билмаган "урф-одатларни" ўйлаб топмоқдалар.

ёрдამга қақирдим. Шунда ҳам хижиллик, безовталик мени тарқ этмади. Ҳамма нарса кўнглидагидеки, камчилик бўлмаётганмикан, деб ўйлайверардим. Тўйдан кейин қарз ҳавола қилиб бўлса ҳам қолган маросимларни ўтказиб олдик. Лекин шунақа чарчадимки, қаддим буқилди. Ўзимизга-ўзимиз дард тилаб олдик. Келин олсам қуда билан келишиб, тўйни камчилик қилиб ўтказаман, деб қўйганимга тугиб қўйдим. Қарз юки мени, турмуш ўртоғим ва ўғилларимни ҳам анчагина ташвишга солди.

Сир эмас, бугун нафақат сарपोлар, балки бўлажак келин яшаётган хонадоннинг кўриниши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолди. Тўй қилиш ниятида бўлганларнинг айримлари қиз яхши хислатли, ақлли, одобли бўлса-да, меҳмон олиб келсам уялиб қоламан, дея аввало, бўлажак қудаси уйининг хашаматига, дастурхони тўқинлигига эътибор қаратмоқдалар.

Манзура опа ҳам яқкаю ёлғиз ўғлига ҳавас билан ҳар жиҳатдан ўзига мос оила фарзандини келин қилиш истагида эди. Ўғлим ўқимашли, эсли-хушли, кўркам, дея истаган эшигини чертиб кирарди. Ўғли айтган манзилга совчиликка бориб, қизни ёқтирди-ю, лекин хонадонининг кўримсизлигидан "тўйини тескари қийиб олди". "Уйи кўримсиз экан, ортимдан келган одамлар, кўни-қўшим қулиб кетмайди-ми", деб қайсарлик қилиб туриб олди. Қимлардир мактовини келтирган хонадонга совчиликка бордию дабдабасига маҳлиё бўлиб, оилани тайинли суриштирмади ҳам. Уйини, қизини кўрдию тўй кунини белгилади, қўйди. Учрашувга келин ўғли бўлажак келиннинг инжиқлиги ҳақида айтганида ҳам парво қилмади. Тўйдан кейин сўзингдан чиқмади, деб ишонтирди.

ганлар келиннинг сарпоси, онаси юборадиган совга-сарломлар ҳақида оғиз қўпиртириб гапирардилар. Уйи ҳам нақд сарой, деб кўярди мактовлардан эриб Манзура опа. Лекин вақт ўтган сари қизнинг оила тутимида уквусизлиги, эркалиги сезилиб қолди, гап кайтаришлари кўпайиб борди. Бир-икки бор онасига "қизингизни тергаб қўйин" деганди, ўзини айбдор қилди. Камига бир неча бор келиб, жанжал қилиб кетди. Онасини кўриб қизини олмаганлиги, уйига маҳлиё бўлиб, ўғлининг бахтини ўйламаганилиги учун азобда қолди.

Атрофимизда, кишлоғу маҳалларимизда рўй бераётган бундай воқеалар арзимасдек туюлса-да, ёхуд "турмушнинг мушти" дейилса-да, ўйлаб қоласан киши. Аслида юзага келаятган бундай нохуш манзаралар кимларнингдир эркаликлари, молпарастлиги, худбинлиги натижаси.

Касбнинг нуфузи устасига боғлиқ

1 "Коррупция — ривожланиш кушандаси" — "Қадрият" газетаси, 6 январь; "Коррупция — тараққиёт кушандаси" — "Истеъмолчи ҳуқуқи", 31 январь; "Коррупция — тараққиёт кушандаси" — "Куч — адолатда", 16 март; "Коррупция — тараққиёт кушандаси" — "Тошкент оқшоми", 2 май.

Турли мавзулардаги мазмунан ва шаклан бир қолипдан чиққан "ғиштлар" қалашиб ётибди: "Тадбиркорлик — давр талаби" — "Маҳалла" газетаси, 9 январь; "Билим ва тафаккур бойлиги — давр талаби" — "Маҳалла" газетаси, 13 январь.

Марказий нашрларда бундай камчиликлар бўлиши кишини ўйлантиради. Зеро, давр билан ҳамнафаслик, журъат, халқ дардини топиб айтиш ва тезкорлик орқали ижобий натижага эришиб бўлмайдами? Бироқ тезкорликни бош мезон қилиб олиб, мунтазам хатога йўл қўяётган хусусий нашрлар ҳам талайгина.

"Психолог маслаҳати" газетасини (2018 йил 6 июль) varaқлаганда шундай ҳолатга дуч келдик. 3-саҳифадаги мақола сарлавҳаси "Жажи фарзандлар буржи" тарзида ёзилган. "Эрингизни "ака" деб қақирманг!" мақоласида эса эрга нима деб мувожаат қилиш эмас, ёлғизлик ҳақида гап боради. Мақола "Биласизми, сиз учун кадрли бўлган инсонни қачон йўқотган бўласиз? Қачонки, уни йўқотганингиздан қалбингиздаги оғрик уйғонмас экан, сиз уни батамом ва буткул йўқотдингиз!" сингари тумтароқ гаплардан иборат. "Турмуш ўртоқни қандай аташ керак?" сарлавҳали мақоладаги мана бу жумлани тушуниш қийин: "Турмуш ўртоғини "Равшан", "Мавлон" деб қақирадиган аёлларга психологик маслаҳати қуйидагича: аёл ўз қизининг тимсоли, гап-сўзи, эрига муносабати билан жамиятга оиласининг ва фарзандларини тақдим этади".

Айрим хусусий нашрлар ўқувчиларга кўпроқ "қайноқ" мавзулардаги хом-хатала нарсаларни тиқштирмоқда. Жумладан, "Фаровон юрт" газетасининг (05.07.2018 йил) 22-бетига В.Алимасовнинг "Қизимга мактублар" асарининг давоми берилган. Олтинчи мактубда ота қизига: "Эрос шунчаки майли, сексуал эҳтиёжни қондириш эмас", "замонавий психосексуал изланишлар ҳам тасдиқлайди", дея ўғит беради. Тўғри, файласуф ўз фалсафий қарашларини, хусусан, фалсафани эротикага боғлаб тушунтираётган бўлиши мумкин, бироқ кимга? 6-мактуб тўлиқ "фалсафа ва эротика" қиёсига бағишланган. 7-мактубда эса "бежис" (бежиз), "подъезд" (подъезд), "ланъат" (ланъат), "Тайванд" (Тайван) сингари хатолар ҳам асабга тегади. Сайт, ижтимоий тармоқ ва телефонлардаги ёзишмаларни ўқирканмиз, тилимизнинг аҳолига ачинаиб кетамиз. "Фаровон юрт" газетасида Халқ таълими аълочиси Исроил Тиллабоевнинг бошдан-охир ҳар қандай турдаги хатони учратиш мумкин бўлган мақоласини интернетдан олиб, ҳеч бир таҳрирсиз, аслича келтирилгани, янги авлод тақдирини ишониб топширилган ўқитувчиларнинг савод даражаси фош қилинганга газета ходимларининг жонқуярлигидан далолат. Бироқ саводсиз муаллимни, бутун бошли янги авлодни айблаб берилган қисқинага изохда таҳририят ходимлари томонидан "грамматика" (грамматика), "қарийб" (қарийб), "олеверади" (олеверади) каби хатоларга йўл қўйилгани ўқувчининг ҳафсаласини пир қилади. Маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ижтимоий, оммабош газета маъсуулиари савод масаласида ҳаминқадар бўлган, жонқуяр муҳаррирлар айтганларидек, жамиятда "саводсизлик тобора авж олеверади..."

"Qivonch" газетасининг ҳам деярли ҳар бир сонидеки жиддий хатолар учрайди. Бир ўринда мамлакатимиз раҳбарининг фамилияси нотўғри берилса, (27-сон, 2-бет), бошқа бир жойда "...республика халқ шоири... Хайдарбек Бобобеков", дея хато ахборот берилди (27-сон, 3-бет). Ҳолбуки, расман бундай унвон йўқ, қолаверса, Хайдарбек Бобобеков "Ўзбекистон халқ шоири" эмас. Чикиш маълумотларида туман номи "Yuqori Chirchik" тарзида нотўғри кўрсатилган (барча сонларда). Аксар мақолалар таҳрирталаб, мантқан ва стилистик жиҳатдан гализ: "Бундан ташқари Эркин Воҳидов номини ижтимоий фанлар йўналишидаги истеъдодли ёшлар мактаб-интернати, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими, "Нурунийлар маскани" бинолари ҳамда турли тадбирлар ўтказиладиган 1 минг 600 ўринли амфитеатр ва "Ош маркази" сингари кўплаб инфратузилма объектлари ҳам янги боққа ўзгача кўрк бағишлаган". Энг қизиғи, "Тиббиётда хайрия акцияси" мақоласида 3 яшар гўдак тилидан: "Онам Дилнозахон Ҳамроевнинг айтишларича, мен 2015 йили тангалй нуқсонни билан таваллуд толган эканман. Волидаи муқтарамм ўша кундан эътиборан тушқун аҳволга тушиб қолганликлари учун мен уларга ачинар эдим. Фарғонага ҳам онам нажот сўраб мен билан келишган эди. Малакали профессорлар қўлдан шифо топганимдан хурсанд бўлдим. Касалим операция йўли орқали бартараф этилди. Қўли энгил саломатлик посбонларига чексиз миннатдорчилик билдираман", деган гаплар берилган.

"Mehriyog" газетасидаги (2018 йил 8 май, 12 июнь) хатолар бундан ҳам ошиб тушади ("Ўзбекистон халқ шоираси", "Хитой"). "Зайтун халқ табоабатида" мақоласи мазмунан яқунланмасдан, "Қонни кераксиз вируслардан, микроблардан, яширин инфекциялардан" тарзидаги думи юлук жумла билан тугатилган.

"Юрт таячини" газетаси ходимлари ишга шу қадар бепарво ёндашишганки, муқовадаги мақола муаллифининг фамилиясини топишга эришиб, шунчаки кўпунқта қўйиб қўй қолшган: "Шокиржон ... вилоят ИИБ матбуот хизмати ходими" (2018 йил 19 июль).

Бундай хатолар марказий газеталаримизда ҳам учрайди. Хусусан, "Ишонч" газетасидаги (2018 йил 21 июль) бош сарлавҳа ва кичик сарлавҳалар "Электрон чипталарни чекишлашни унутманг", "Қартоқчадан қандан фойдаланилади?", "Истикфол режалари қандан?" каби жиддий хатолардан холи эмаслигини кўриб, бир дардинг икки бўлади.

Ортимизда етти юзга яқин газета, уч юздан зиёд журнал чиқади. Улар орасида амал-тақал кун кўриб турганлари оз эмас. Исроф бўлаётган мингглаб тонна қозғога ачинасан, киши. Ўқишли мақолалар бериш учун жиддийроқ жон койитилса, уларга талаб ортармиди. Зеро, матбуот, сўзининг қудрати шунда кўринарди. Президентимиз айтганларидек, оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтариларди. Касб обрўсини қосиблар оширади. Хира тортган "кўзгулар" имизни "ярқиратиш" машаққати "ойнасолар" гарданда.

Сабок

Бу ёруғ дунёда барча жонзодлар орасида инсонни энг азиз ва мукаррам яратган. Унга баданини покиза сақлаш учун жон ато этган. Ўзининг ва ўзганинг жонини азобламаслиги учун иймон берган. Иймони соғлом бўлиши учун онг, онгини юксалтириш учун тафаккур, ўзи ва ўзгаларни англаши учун эса ақл-идрок инъом этган. Инсон нима қилаётганини англаб, ўзини-ўзи идора этса, нафсини тия билса, қадамини билиб босса, унга ташки назоратнинг кераги бўлмайди.

Адиба УМИРОВА
“Hurriyat” мухбири

СУВАРАК

Глобаллашув жараёни қони-мизда сингиб кетган одобимизга ҳам ўз таъсирини ўтказиб бериш шубҳасиз. Ўзгариш фақат бизни ўраб турган ташқи муҳитда эмас, инсоннинг ички оламида ҳам юз бериши керак. Фарбдан кириб келаётган шубҳали одатлар таъсиридан қўриқиб, тараққиёт йўлини тўсиб қўя олмаймиз. Агар инсон ҳаётдаги қарама-қаршиликлар, зиддиятларни ўзи руҳан енга олмаса, уни биров хатарли таҳдидлардан ҳимоя қилиши қийин.

Очиги, ҳозир биз мураккаб бир даврда яшаймиз. Мураккаблиги шундаки, бировга яхши туюлган одат бошқанинг нафратини кўзгаши мумкин. Оддий мисол — баданга гул чизиш, татуировка. Таит тилидан олинган бу сўз айрим халқлар учун “та” — расм, “atoua” — илоҳ деган маънони англатади. Яванликлар ва полинезийликлар тилида эса “tatu” — “яра”, “ярадор” ўрнида қўлланади. Кўплар ўз халқини бундай иллатлардан муҳофаза қилиш учун эҳтиёт чораларини кўриб қўйган.

Биз-чи? Йўқ. Асло! Тарихий китобларда ёзилишича, татуировка ашаддий жиноятчилар учун жазо воситаси ҳисобланган. Илгари бундай “ижод” асосан узоқ муддат қамалганларнинг тана-тўшида бўларди: ваҳима, қўрқитиш ва зўравонлик тисмоли сифатида. Энди бундай “гул”ни ҳар қадамда учратиш мумкин. Билак, мушак, юз, гардан, киндик усти, ости... Айтишга уяласан киши.

“Гулбаданлар” — эркак, аёл, қари, ёш, қиз, йигит, ўспирин... Орасида биз санъатига қўйил қилиб, тик туриб чапак чаладаганларимиз — номдор артистлар, эстрада, кино ва спорт “юлдузлари” кам эмас. Баданидаги “гуллар” уларнинг хорижий сафарларда ортирган тажрибасидан.

Шаҳар кўрган эҳкидан кўрк. Барча динлар, жумладан, муқаддас ислом, томонидан қораланадиган бундай одат ҳаётимизга сездирмайгина кириб келди ва бу кун суваракдек кўпаймоқда. Диний эътиқодимизга зид бундай “санъат” қаерда ва қимлар томонидан “урчтилаётгани”ни билиш учун пойтахтимизнинг Қатортол кўчасидаги баъзи тату-салонларига бордик.

ВОС-ВОС

Бундай салонларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Пешлаҳаларида татуировка хизматига алоҳида урғу берилган. Доим гавжум.

— Келинлар! — деб бизни табассум билан қарши олди сартарош хонимлардан бири ва кутиб залига таклиф қилди. Қўлимизга мода журналини берди. Журналини варақлаб, илтифотнинг сабабини англагандек бўлдик: қайси “юлдуз” танасининг қаерига қандай “гул” чизилгани ялтироқ суратлар узра товланиб, кўзларни ўйнайтиб турар эди. Суратларки, кўрган киши ҳамма юмушини ташлаб, шу “юлдузлар” мисоли татукаш хонимнинг тигдор ниналарни остига ётгиси келади. Хоним бўйингизга бир расм чизсаки, кўча-кўй, тўй-ҳашам, мактабу қаҳвахоналарда ҳамма сизга ҳайрат лол қараса. Қараса-ю, озги очилиб қолса: “Бунча чиройли! Жаҳон чемпиони Роналднинг калласига ўшаркан-а!”

Тату мухлисалиридан бири — ўн олти-ўн етти ёшлардаги қиз ёнимиздаги оромқурсида қарсиллатиб сақич чайнаб ўтирарди. Гапга солдим.

— Билагимга сигма расмини чиздирмоқчиман. Бу сизга ҳам ярашади, опа.
— Сигма? У нима дегани, ўзи?
— Мангулик тимсоли! Турк сериалларидаги қаҳрамонларнинг кўпида бор. Кўрмаганмисиз? — У афсус билан қўл телефонини очди ва айлана шаклдаги саккиз рақамини кўрсатди:

— Ҳозир ҳамма шунақа чиздирапти.
— Исминг нима, синглим?
— Муслима. Нима эди?
— Муслима. Чиройли исм экан. Биласанми, баданга расм чиздириш — дину диёнатимизга хилоф!

Киз ҳайрон бўлиб қолди. Чамамда, хато қилаётганини ўзи ҳам сезиб турарди.

— Эртага турмушга чиқшингни ҳам ўйла. Куёвинг, кўриб, ёмон ҳаёлларга бориши мумкин. Тайини йўқ, тарбияси бузуқ қизлар чизади бундай расмларни. Сартарош келиб, суҳбатимизни бўлди.
Муслима иккиланиброқ ўрнидан

ГУЛБАДАН ХОНИМЛАР БИЛАН ГУРУНГ

дан турди ва маҳсус ўриндиққа ўтирди. Татукаш оғриқни қолдирадиган нинасини санчганидан кейин инон-ихтиёри сартарошнинг қўлига ўтди. Муслиманнинг нозикина билагига “мангулик тимсоли”ни чизиб бир неча соат чўзилади. Аввалига қон кетди. Сартарошнинг тиғи ўткир ашёларнинг таъсири. Кўнглимга, қизчанинг жароҳатига бирор инфекция тушмасмикан, деган хавотир оралади. Тушса-чи? “Сарик”, ичбурма, сил, жинсий касалликлар... Ахир бундай ўта хавфли хасталикларнинг сони мингта-ку! Юқиб қолса-чи? Унда ким жавоб беради? Татукаш хонимми? Йўқ. Салон эгасими? Йўқ. Санитария хизмат вакиллари? Йўқ. Қизча хасталикни қачон, қаердан ва қандай юктирганини исботлаш осон эмас! Қийин, ўта қийин. Исботлаганида-чи? Ахир “поезд кетиб бўлган” — касаллик қизчани забтига олган бўлади-ку! Кейинги пушаймонун, оҳ-воҳдан не наф!

ҚОНИ КЎШИЛМАЙДИ

Дунёда энг ўткинчи нарсалардан бири — модадир. Унинг ортидан кўр-кўрона қувган доим панд еган. Сабаби тез ўзгаради. Собитликнинг дояси табиийликдир. Эсланг, бир даврлар сочи узун қизлар замоннинг энг олди гўзаллари саналган. Ки-йинишлари ҳам одми. Табиат берган ҳуснга қаноат қилган. Бўлмаса, шу пайтгача ҳаётимизда қанчадан-қанча урф-одатлар келиб-кетмади дейсиз, аммо ҳали ҳам табиий гўзаллик олдида ҳайратга тушамиз. Ҳозир бутун дунёда инсон саломатлигига зарар келтирадиган сунъий воситалардан воз кечилаётир. Масалан, Америка Қўшма Штатларида татуировкаларнинг инсон саломатлигига зарари кўпайиб кетаётганидан катта чекловлар жорий қилинган. Америка қон банклари ассоциацияси ва Америка Қизил хоч жамияти бада-нида татуировкаси бор донарлардан қон олмайди: Хавфли! Касал юктирган бўлса, бошқаларга юқиши муқаррар. Африканинг тату-салонларида эса оддий хинани татуировка учун ишлатиш тақиқланган. Ундан фақат соч бўёғи сифатида фойдаланилади. Бизда эса бундай ишлар гоҳ яширин, гоҳ ошкора давом этаётир. Бунга “ойинаи жаҳон”имизни олам жаҳон вақтдан бери тўла эгаллаб олган ажнабий сериаллар ҳам сабаб. Ана шундай фильмларни кўриб, “ғарибона эстетик дид” асосида тарбияланган Муслималардан сигмага муҳаббатдан бошқа яна нимани кутиш мумкин!


ТАНАСИНИ БЎЯТГАНДА У ЙИГИРМА ТЎРТ

ЭШДА БЎЛГАН. ЭНДИ ЎТТИЗГА ЯҚИНЛАШИБДИ. НА КУЁВДАН, НА ҚУРИЛАЖАК ОИЛАДАН, НА ТУФИЛАЖАК ФАРЗАНДДАН ДАРАК БОР. ОРТИРГАНИ — ТАҲЛИКА: ҚАРИ ҚИЗГА АЙЛАНИБ, УМРИ — ХОҲЛАНГ БАҲОРИ ДЕНГ, ХОҲЛАНГ БОЗОРИ — ЎТИБ КЕТАПТИ. ЭРТАГА СЎҚҚА-БОШ БЎЛИБ ҚОЛИШИ МУМКИН.

Кеча биттаси: “Чекишдан олинг, оймқиз”, деб қолди. Ахир мен чекмайман. Инчайман!

Лекин баданидаги “гуллар” бу эътирознинг тескарисини айтиб, кўрсатиб турар эди. Ичмаса, чекмаса, бошқа енгил-елпи ишларга мойиллиги бўлмаса, гулдаи танасига нега тиг тегдиради? Белидаги, билагидаги, сийнасидаги “гуллари”ни кимларга кўз-қўзи қилиш учун чиздирган?

Танасини бўяганида у йигирма тўрт ёшда бўлган. Энди ўттизга яқинлашибди. На куёвдан, на қуриллажак оиладан, на туғилажак фарзанддан дарак бор. Ортиргани — таҳлика: қари қизга айланиб, умри — хоҳланг баҳори денг, хоҳланг бозори — ўтиб кетаяпти. Эртага сўққабаш бўлиб қолиши мумкин.



Кеча биттаси: “Чекишдан олинг, оймқиз”, деб қолди. Ахир мен чекмайман. Инчайман!

“ТАНАСИНИ БЎЯТГАНДА У ЙИГИРМА ТЎРТ ЭШДА БЎЛГАН. ЭНДИ ЎТТИЗГА ЯҚИНЛАШИБДИ. НА КУЁВДАН, НА ҚУРИЛАЖАК ОИЛАДАН, НА ТУФИЛАЖАК ФАРЗАНДДАН ДАРАК БОР. ОРТИРГАНИ — ТАҲЛИКА: ҚАРИ ҚИЗГА АЙЛАНИБ, УМРИ — ХОҲЛАНГ БАҲОРИ ДЕНГ, ХОҲЛАНГ БОЗОРИ — ЎТИБ КЕТАПТИ. ЭРТАГА СЎҚҚА-БОШ БЎЛИБ ҚОЛИШИ МУМКИН.

Кеча биттаси: “Чекишдан олинг, оймқиз”, деб қолди. Ахир мен чекмайман. Инчайман!

Лекин баданидаги “гуллар” бу эътирознинг тескарисини айтиб, кўрсатиб турар эди. Ичмаса, чекмаса, бошқа енгил-елпи ишларга мойиллиги бўлмаса, гулдаи танасига нега тиг тегдиради? Белидаги, билагидаги, сийнасидаги “гуллари”ни кимларга кўз-қўзи қилиш учун чиздирган?

Танасини бўяганида у йигирма тўрт ёшда бўлган. Энди ўттизга яқинлашибди. На куёвдан, на қуриллажак оиладан, на туғилажак фарзанддан дарак бор. Ортиргани — таҳлика: қари қизга айланиб, умри — хоҳланг баҳори денг, хоҳланг бозори — ўтиб кетаяпти. Эртага сўққабаш бўлиб қолиши мумкин.

МОДА ВА “МАДДА”

Олти йил гўзаллик салонларида ишлаб, шу соҳанинг ютуқ ва камчиликларини ўрганишга бел боғлаган, айна пайтда республикамиздаги бир қанча соғломлаштириш марказлари билан ҳамкорликда иш олиб бораётган косметолог-биолог Нигора Олимова мутахассис сифатида шундай дейди:

— Татуаж ва татуировка игнаси жуда қиммат туради. Ўзим гувоҳ бўлганман, кўпчилик татуировка усталари пулни тежайман деб битта игнани бир неча

кишига ишлатади. Бу ўта оғир хасталикларни юктириш эҳтимоли жуда кучайтиради.

— Иш жараёнида бахтсиз ҳолатлар ҳам бўлганми?

— Бўлган. Бир гал тўйидан бир кун олдин келин қош-қўзини игна билан чиздиргани келган. Шунда татуаж устасининг игнаси беҳосдан миждознинг кўзига кириб кетган ва киз бечора кўр бўлиб қолган. Татукаш жувон тўрт йилга қамалиб кетди. Тўйи бузилган келин бир умр ногирон ва бахсиз бўлиб қолди.

— Узингиз ҳам татуировка қилганмисиз?

— Йўқ. Ўзимга ҳам, бировга ҳам бундай кулфатни раво кўрмайман. Чунки турган-битгани зарар. Татуировканинг игнасини ўзи эллик доллар туради. Унга ишлатиладиган уқол, бўёқлар ҳам фалон сўм. Хуллас, битта тату уч юз долларгача айланади.

— Бунча қиммат?

— Биринчидан, татуаж ва татуировкага кетадиган ҳамма ашёлар четдан олиб келинади. Иккинчидан, кўп ҳолларда сартарош-усталар иш асбобларини янгилашмайди. Тозалашмайди. Шунинг орасидан қанча оқумли касалликлар келиб чиқаяпти. Масалан, оддий ва рангли татуировка бор. Ҳозир кўпчилик боди-арт рангли татуировкага ружу қўйган. Татуировканинг бўёғи фалон сўмга сотиб олингани билан у қандай шароитда тайёрланган, таркибидан нималар борлигини ҳеч ким аниқ билмайди. Бу қонга киргандан кейин ҳар хил тошмаларни келтириб чиқаради. Қандли диабет, гипотет — сарикни кучайтириб юборади. Кейин татуировка лазер нурлари ёрдамида ўчирилади. Албатта, чандиқ қолади. Нурланиш касаллиги қандай оқибатларга олиб келиши ҳам маълум. Бу танада ҳар хил ўсимталарни ривожлантиради. Қизларни фарзанд кўриш бахтидан мосуво қилади.

— Татуаж-чи?

— Илгари юзи ёки баданида бирор нуқсонни борлар ўша жойини косметик воситалар билан яшириб юрарди. Бу ҳам авж олиб кетди. Кўпчилик олти ой ёки бирикми йилга қош, кўз, лабларини татуаж қилдириб кетаяпти. Булар орасида ўсимлардан тортиб, эллик-олтмиш яшар кампирларгача бор. Ҳозир ажинларнинг олдини олиш учун юзни қотирадиган дориларгача чиқиб кетди. Энг ачинарлиси, бу ўн саккизга кирган қизларга ҳам қилинапти. Яқинда битта ҳамкасбимиз ёшгина қизга нотўғри уқол қилиб, ойдаи юзини қийшайтириб қўйди.

— Кўпчилик гўзаллик салонларида яхши ниятда келади.
— Тўғри. Лекин баданимга татуировка чиздираман ёки лабимни чиройли қиламан, деб одам ўзига зулм қилмаслиги керак. Айниқса, қоқшол, сил ва ҳатто ОИТС касалликларини юктириб олиш ҳеч гап эмас.

Хулосани ўзингиз чиқаринг, муҳтарам газетхон!

Шубҳа



Кўча-кўйда бир ўзим овқатланишни ёқтирмайман. Лекин ишдан қайтаётиб, пешонасига “Эвос” деган ғарибгина пешлаҳа осилган қаҳвахона ёнидан ўтар эканман, унга қандай кирганимни билмай қолдим. Балки таомларининг мазасини кўмсагандирман. Балки эрмак учун. Ичкарининг кенг саҳнида одам кўп. Ҳар қалай, бўш стол топила қолди. Ёнидаги икки курсиси мунгайиб турган столни танладим. Официант қиз ёлғизлигимни кўриб, сал пешонасини тириштирди, аммо барибир олдимга келди.

Маъмура ЗОХИДОВА

Одамларни бепарво кузатар эканман, рўпарамдаги столда бир ўзи овқатланаётган кўзойнакли йигитга кўзим тушди. Менга бақрайиб тикилаётганини кўриб, ўнгай-сизландим. Қора кўзойнаги унинг кўзларини яширар, ўзи эса менга тиржайишдан тўхтамас эди. Тавба, жамоат жойида ҳам ўзини туттишни билмайди. Иштаҳам ғилпа бўлди. Э, ўлиб кет-э, шилқим. Белларини ликклатиб, солланиб юргувчи официант киз дарров келиб буюртма олмаганида дарров чиқиб кетардим. Кўзимни у томонга оламан, бу томонга оламан, лекин кўзойнак бошқа ёққа қарай демайди. Кўз қиримни ташлаб, йигитнинг олдидаги стол устида яна бир неча одамнинг ярми ёйилган овқатлари, тарелка-қошиқлари турганини кўрдим. Демак, шериклари бор. Столнинг нариги томонига ўтиб ўтириш фикримдан қайтдим. Энди бу йигитнинг олдида кимдир келадими ёки йўқ, сездирмай кузата бошладим.

Официант киз буюртмани келтириб, бундай вақтда миждозга айтиладиган гапларни айтди-ю, мен бир жувоннинг қизча билан халиги йигит олдида келиб қандай ўтирганини кўрмай қолдим. Аёл менга елка ўгириб ўтирарди. Қизчасининг ярим юзини кўриб турибман. Уч-тўрт ёшли. Ширингина экан. Лекин йигит ҳамон мен томонга қараб-қараб кўра, лаб-лунжини йиғиштиролмаас эди. Пасткаш, Туппа-тузук оиласи бўла туриб бу ярамаснинг қилаётган ишини-чи. Аёлининг сезиб қолишидан ҳам чўчимайди. Овқатни чайнаётганимда аёл ортига бир қараб қўйди. Юрагим шув-в этди. Худди олдимга келиб, “Нега эрим билан кўз уриштириб ўтирибсан”, деб жанжал кўтарадигандай. Аёл ғоят чиройли эди. Тан бердим. Кўзлари катта-катта. Нигоҳлари тиниқ, беғубор. Ўзи соддагина. Камсукумгина.

Бир пасдан кейин уларнинг қизалоғи жойидан туриб, столлар атрофида айланиб ўйнай бошлади. Кейин бирдан қўқилиб кетиб, ерга қафтлари билан тиралиб қолди. Онаси шоша-пиша туриб, эрига нимадир деди-да, қизчанинг қўлидан етаклаганча ювишга олиб кетди. Мен уларни кузатиб туридим. Эр бўлмиш ўтирган жойида қизча томонга сал бурилган бўлди-ю, яна олдига қараб ўтирарди. Аёли узоқлашгач, менга яна ишайишини бошлади. Хотинига раҳимим келди. Бундай учарларга шунақа чиройли аёл ҳайф. Умрини ҳазон қилиб, адоий-тамом қилади бунақа олғирлар. Онаизор боласи билан овор, бу кишим эса кўнглининг кўчасида. Хотини, қизи ёнидаки, ўзини тия олмайтир, кўча-кўйда юрганида нималар қилса экан.

Емакхонага кирганимга пушаймон бўла бошладим. Кунда минг турфа одамга дуч келасан. Биров кўнглингни ранжитса, дунё зимистон бўлади. Биров яхшилик қилса, гўё ҳамма меҳрибон бўлиб туюлади. Кейин то кайфиятнинг ўзгармагунча, ўша таъсирларда юрасан.

Лекин шу топда кўриб турганларимни оғоҳлантириш деб ўйлай бошладим. Кўча-кўйда “Ишлайсизми, ўқийсизми?” деб сўрашса, “Ирригация, магистратура” деб юрганимга ҳам олти ой бўлди. Энди дадам билан ойм маъкул кўра бошлаган йигитларнинг бирортасини танлаб кўя қолишим керак. Танлаб кўя қолиш... Эҳе, шляпа бўлса экан, танлаб кўя қолсанг. Мана бу чиройли аёл ҳам худо билсин, ўзининг алданиб юрганини билмас. Ўзи мен тенги бордир шўрлик. Қизгинаси бор экан. Ҳаётини кимга ишониб топширганини билмайди-да. Билганда-чи? Эркак зотининг сайлаб олгулиги борми, ўзи? Ҳаммаси бир гўр, дейди онам.

Ҳаёл билан овқатланиб бўлдим. Ўрнимдан турдим. Официант қизга қўлимни тўладим: “Ақчасини олинг!” Қиз нарҳомани қўлимга тут-қазиб, касса томонга ишора қилди.

Навбат кутиб туриб ортимга — халиги столга қарадим. Улар йўқ. Чиқиб кетишибди. Кўрмай қолибман-да. Навбатимни яқинлашай деганда қарасам, қўлович олдида халиги аёл эрининг қўлига кичкина сочқича тутиб турибди. Юзида табассум. Эри қўлини артки. Кейин атрофларида чопқиллаб юрган қизини чақириб, қўлидан тутди. Қизча отасига қўл узатди. Учовлаш у етаклашиб, ошонининг ойнаванд эшигидан чиқиб бир четда тўхтади. Аёл кулимсираган юзи билан эрининг қандайдир саволларига жавоб бермоқда эди. Кейин аёл яна қайтиб кирди-да, қўлида қоғозчаси билан менинг ортимда навбатга турди.

— Опажон, қани узатиб юборинг-чи.

Хушимни йиғдим. Тўловни тўлаб, ташқарига чиқдим. Ойнаванд эшигининг иккинчи томонида туриб қолдим. Уларнинг тутумлари галати туюлаётган эди. Бу оиланинг қайси томонга қандай юришини кўрмоқчи бўлаётган эдим. Кўзойнакли йигит энди кўча томонни кузатиб турарди. Аёл ичкаридан чиқди. Қўнғирқодай овоз билан: “Жамшид ака, кетди”, деди. Йигит унга қўл узатди. Аёл унинг билагидан қўлтиклаб олди. Йўлга тушдилар. Қизалоқ унинг иккинчи томонидан тутди.

Ё худойим, нодонлигимни қаранг! Ҳаёлимдан ўтган шум гапларини-чи!

Йигит, сўксурдай аёлининг эри, жажжи қизлоқнинг отаси ногирон... Кўзи ожиз экан!

Эълонлар

“PLUMBING SYSTEM” масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 8.718769000 (саккиз миллиард етти юз ўн саккиз миллион етти юз олтиш тўққиз минг сўм)дан 6.228.322.261,94 (олти миллиард икки юз йигирма саккиз миллион уч юз йигирма икки минг икки юз олтиш бир сўм тўқсон тўрт тийин)га қисқартирилганини **МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Бўз-2 даҳаси, 9-уй, 5 сонли хонадон эгаси Шакиров А.га тегишли уй кадастр ва плани хужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Шофайз маҳалласи, Шофайз кўчаси 31-уй соҳиби Толипов Нигмат Комилжоновичга тегишли уй плани йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, фахрий журналисти **Йўлдош МУКИМОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Хоразм вилояти “Сув оқова” ДУК жамоаси

Турмушларимизни **НОМУЗҚАДАРИМНИЗГА**
27 **ЙИЛЛИК ШОДЛИКЛАРИ** билан **САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.**

Ватанимиз нуқтақилигини
нуқтақилиш ва абад-абад,
халқимиз фаровонлигини юкелтириш
ийлида олиб бораётган эзгу ишларига
улкан зафарлар тилайди.

Муаззам юртимиздан файзу барака аримасин.
Осмоимиз замини тинч, шонларимиз мусаффо бўлсин!



Хизматлар лицензияланган 34/4

Реклама

Тошкент вилояти ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази жамоаси

Халқимизни **Ўзбекистон Республикаси**
нуқтақилигининг

27 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ билан

САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.




Барча халюртларимизга сизат-саломатлик,
оилавий бахт, тинчлик-хотиржамлик тилайди.

Турмушимиз янада фаровон бўлиб,
дастурхонимиздан файз-барака аримасин.

Хизматлар лицензияланган 34/5

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ
КАРМАНА ТУМАНИДАГИ
“ОЛИЙ ТЕХНИК”
ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ




Ўзбекистон аҳлини энг улур Ва
энг азиз байрамимиз —
Ватанимиз мустақиллигининг
27 йиллик байрами билан
САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙДИ.


*Бунёдкорлик руҳи
устувор бўлган
ҳаётимиздан
ҳеч қачон файзу
барака
аримасин!*

Қорақалпоғистон Тўрткўл тумани

Республикаси Ҳокимлиги



*Юртимиз тинчлиги ва халқимиз
фаровонлиги йўлида
хизмат қилаётган барча
юртдошларимизни
ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИТИНИ
27 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН
салимий муборақбод этади.*



*Барча эзгу
орзу-ниятларимиз
ушатиб,
жонажон
Ўзбекистонимиз
янада
гўл-аб-яшнайверсин!*



Хизматлар лицензияланган. Реклама

HURRIYAT
Мустақиллик газети

Бош муҳаррир
Кулман ОЧИЛ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нархда

Телефон:
(0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг
бўлими: (0-371) 244-32-88

Манзил: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.



Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси



Ахборот ҳамкоримиз:
Ўзбекистон
матбуот ва
ахборот агентлиги

Таҳририятга келган хатлар
домий эътиборимизда бўлиб,
улар муаллифларга қайтарилмайди.

Тошириш вақти — 20⁰⁰
Тоширилди — 18⁰⁰

Индекс: яққа
обуначилар ва
ташқиқотлар
учун — 233

Навбатчи: Адиба Умирова

"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Адади: 2330 Буюртма — V-2183 1 2 3 4 5